O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI
DAVLAT BOSHQARUVI
AKADEMIYASI

Давлат раҳбарининг 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасидаги чиқишларида ижро органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган асосий вазифалар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **18 ноябрь** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида, **19 ноябрь** куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлисида, **20 ноябрь** куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисида қатнашди.

20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисида ўзининг чуқур таҳлилга асосланган нутқида Президентимиз **Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида олдимизда турган стратегик вазифаларни** бирма бир санаб берди.

“Мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Халқимиз бугун янги ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда”, — деб қайд этди мамлакатимиз етакчиси.

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш

аҳоли жон бошига даромадларни 5 минг доллардан ошириш

камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириб, эҳтиёжманд аҳоли учун мустаҳкам ижтимоий суғурта тизимини жорий этиш

2030 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

тиббиётга ажратилаётган маблағларни 2 баробар кўпайтириб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ қамровни таъминлаш

йилига 150 минг квартирали янги замонавий уй-жойларни барпо этиш

Ҳозирги макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш, бунда инфляция даражасини 5-6 фоиз, бюджет тақчиллигини 3 фоиз атрофида бўлишига эришиш, йиллик кредитлаш ҳажмини 30 миллиард долларга олиб чиқиш.

2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш. 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмаслик, юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция комплекси олдига келгуси йилда иқтисодиётимиз учун муҳим бўлган 300 дан зиёд йирик лойиҳани ишга тушириш

Аҳолининг саломатлигини сақлаш ва тиббий хизматларнинг сифатини ошириш. Ўртача умр кўриш даражасини 78 ёшга етказиш. Бу мақсадга эришиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг қулайлиги ва сифатини ошириш. бирламчи бўғинда аёлларни скринингдан ўтказиш ва рақамлаштириш орқали саратон касалини эрта аниқлаш кўрсаткичини ҳозирги даражадан сезиларли ошириш

Маҳаллаларда тиббиёт бригадаларини ўқитиш ва уй шароитида беморларни реабилитация билан қамраб олиш бўйича янги тизимни жорий этиш. Туғруқхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

Давлат тиббий суғуртаси ва аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини барча шаҳар, туман ва қишлоқларга татбиқ этиш.

Бу тизим орқали аҳоли, жумладан, энг эҳтиёжманд қатламлар кафолатланган тиббий хизматдан баҳраманд бўлади. Бу давлатнинг аҳоли саломатлигига бўлган эътиборини яққол намоён этади. “Инсон қадри учун” тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш

Ёшлар онгу тафаккурида миллий ғурур, умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш.

Таълим сифатини янада ошириш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсатни изчил давом эттириш. Боғчаларда қамровни ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, олий таълим муассасаларига қамровни кўпайтириш.

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни 1,3 баробар ошириш, ҳар гектар ердан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш

Таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш. Ушбу мақсадларга эришишда, энг аввало, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини одамларга янада яқинлаштириш

Парламент ва ҳукумат ўртасидаги узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Қонунларнинг ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб бориш, депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қуйи палата қўмиталари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш

Давлат инспекцияларининг ҳисоботларини парламент қуйи палатасида муҳокама қилиб бориш тизимини жорий этиш

Яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги устувор вазифалар

Самарали ташқи сиёсат олиб бориш, ҳамкор давлатлар доирасини кенгайтириш, яқин қўшниларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Қозоғистон ҳамда Тожикистон билан ҳам ID карта билан бемалол кириш тартибини жорий этиш. 2025 йилда юртимизда “Марказий Осиё бешлиги” учрашувини ташкил қилиш.

Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа етакчи ҳамкор давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан самарали ва тизимли алоқаларни янада ривожлантиришга доимий эътибор қаратиш

Қуролли Кучларимизнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга эътиборни янада кучайтириш, ёшларни замонавий билим ва касб эгалари этиб тарбиялашга барча имкониятларни сафарбар этиш

2025 йил — “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР

1) Президент томонидан кенг қамроқли вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишни тақозо этади.

2) Барча соҳа ва тармоқларда ишларни янгича тамойиллар асосида ташкил этиш, Ҳукумат олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда ижро органларининг ишини самарали ташкил этиш, ҳар бир раҳбарнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлиги янада кучайтириш лозим.

3) Фаолиятимизни Президент белгилаб берган мутлақо янги тизим асосида ташкил этишимиз, бу йўлда барча имкониятларни ишга солишимиз, мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР!